71 210 0330
0347

8377-юр. 210 0251 555
50

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**РЕШЕНИЕ**
ХОКИМА ГОРОДА ТАШКЕНТА

№ 1745

2019 yil «10» декабрь

**Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 6 февралдаги 128-сонли қарорига қисман ўзгартириш киритиш ҳақида**

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5,25-моддаларига мувофиқ, фуқаро KULIYEV YUSIFнинг мурожаатномасини кўриб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 6 февралдаги «"MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамиятига ер участкасини захиралаш ва инвестиция шартномасида кўрсатилган талабларни бажариш ҳақида»ги 128-сонли қарорининг биринчи бандидаги:

"майдони 6,8 гектарли" сўзлари "майдони 6,6308 гектарли" сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Ш.Рахманов), Қурилиш бош бошқармаси (Б.Халматов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бош бошқармаси (Ғ.Расулов) "MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамияти:

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 6 февралдаги «"MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамиятига ер участкасини захиралаш ва инвестиция шартномасида кўрсатилган талабларни бажариш ҳақида»ги 128-сонли қарори чегара режасига ва тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритилсин;

ер участкасининг чегара режасидан Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор, 2 берк кўчаси 11 уй ва Абдулла Қаҳҳор кўчаси 123, 123а уйлар манзилидаги фуқаро KULIYEV YUSIFга тегишли бўлган турар жой бинолари (майдони 1692кв.м) қисми чиқариб ташлансин.

Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Хидоятов ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Рахманов зиммаларига юклатилсин.

QAROR VA FARMOYISHLAR

Тошкент шаҳар ҳокими Ж.Артикходжаев

Scanned with CamScanner

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**РЕШЕНИЕ**
ХОКИМА ГОРОДА ТАШКЕНТА

№ 128 2019 yil «6» февраль

**"MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамиятига ер участкасини захиралаш ва инвестиция шартномасида кўрсатилган талабларни бажариш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 августдаги "Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5511-сонли Фармони ижросини таъминлаш, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 январдаги 2-сонли Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан эксперимент ўтказилишини мувофиклаштириш бўйича Ишчи гуруҳ йиғилиши баённомасига ҳамда "MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамияти билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўртасида тузилган 2019 йил 29 январдаги 1-сонли инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисидаги шартномасига асосан Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказиладиган "Инвестор куни" ҳафталик тадбирини ташкил қилиш ва ўтказиш Регламентига мувофиқ,

**Қ А Р О Р  Қ И Л А М А Н:**

1. "MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамиятига Яккасарой тумани, КХАЙ кўчаси ва Абдулла Қаххор кўчалари кесишувида қуйи қаватлари нотурар, юқори қаватлари турар жой бинолари бўлган кўп қаватли турарҳгоҳ, болалар боғчаси ва тиббий марказ қуриш учун ушбу ҳудудда жойлашган мавжуд турар ва нотурар жой биноларни ўз хисобидан бузиш ва етказилган зарарларни ўрнатилган тартибда коплаш юзасидан майдони 6,8 гектарли ер участкасини (чегара режаси илова қилинади) захиралаш ҳамда лойиҳа смета хужжатларини ишлаб чиқишга рухсат берилсин.

2. Яккасарой тумани ҳокими (Б.Шамуратов), Ички ишлар бош бошқармаси (Р.Джураев), Қурилиш бош бошқармаси (Б.Холматов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи (Ғ.Расулов), Бинолардан фойдаланиш департаменти (М.Ирматов):

Турар ва нотурар-жой бинолари бузилишига тушган юрид... жисмоний шахсларга етказилган зарар тури ва миқдорини қоплаш бўй... белгиланган тартибда тегишли комиссия хулосаси олинсин;

ҳудудда бузилишга тушган турар ва нотурар жой биноларига етказилган зарар тури ва миқдори юзасидан ваколатли комиссия хулосаси олинганидан сўнг, тасдиқланган Низомга мувофиқ, бузиш ишлари амалга оширилсин.

3. "MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамияти:

Захирага олинаётган ҳудуддаги турар ва нотурар-жой биноларни бузиш ва етказилган зарарларни ўрнатилган тартибда қоплаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 97-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилсин;

Давлат хизматлар агентлиги туман бўлимига архитектура режалаштириш топшириқларини тузиб чиқиш учун буюртма берилсин;

лойиҳалаш учун ер ости муҳандислик иншоотларининг ижро топосурати туширилган 1:500 нисбатдаги топографик харита ва геологик хулоса ишлаб чиқиш учун "Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти" Давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар филиалига буюртма берилсин;

шаҳарсозлик фаолияти объектини жойлаштириш учун ер участкасини захирага олиш далолатномаси расмийлаштирилсин ҳамда Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида рўйхатдан ўтказиш учун буюртма берилсин;

лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун лойиҳалаш ташкилоти билан ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини мутасадди ташкилотларга тақдим этилсин.

4. "MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамияти:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 августдаги ПФ-5511-сонли Фармонида ҳамда "MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамияти билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўртасида тузилган 1-сонли инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисидаги шартномасида кўрсатилган талаблар бажарилмаган тақдирда ер участкасини захиралаш инвесторга компенсация бермасдан ва зарарлар қопланмасдан бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилсин.

Scanned with CamScanner

5. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Ш.Рахманов), Қурилиш бош бошқармаси (Б.Халматов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бош бошқармаси (Г.Расулов):

"MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамияти томонидан мазкур шартномада кўрсатилган талаблар бажарилгандан сўнг ўрнатилган тартибда ер майдони ажратиш ҳақидаги Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори лойиҳаси киритилиши таъминлансин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Хидоятов ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Рахманов зиммаларига юклатилсин.

**Тошкент шаҳар ҳокими** **Ж.Артикходжаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
**РЕШЕНИЕ**
ХОКИМА ГОРОДА ТАШКЕНТА

№ 128 2019 yil «6» февраль

**"MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамиятига ер участкасини захиралаш ва инвестиция шартномасида кўрсатилган талабларни бажариш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 августдаги "Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5511-сонли Фармони ижросини таъминлаш, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 январдаги 2-сонли Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан эксперимент ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича Ишчи гуруҳ йиғилиши баённомасига ҳамда "MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамияти билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўртасида тузилган 2019 йил 29 январдаги 1-сонли инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисидаги шартномасига асосан Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказиладиган "Инвестор куни" ҳафталик тадбирини ташкил қилиш ва ўтказиш Регламентига мувофиқ,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. "MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамиятига Яккасарой тумани, КХАЙ кўчаси ва Абдулла Қаххор кўчалари кесишувида қуйи қаватлари нотурар, юқори қаватлари турар жой бинолари бўлган кўп қаватли тураргоҳ, болалар боғчаси ва тиббий марказ қуриш учун ушбу ҳудудда жойлашган мавжуд турар ва нотурар жой биноларни ўз ҳисобидан бузиш ва етказилган зарарларни ўрнатилган тартибда қоплаш юзасидан майдони 6,8 гектарли ер участкасини (чегара режаси илова қилинади) захиралаш ҳамда лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга рухсат берилсин.

2. Яккасарой тумани ҳокими (Б.Шамуратов), Ички ишлар бош бошқармаси (Р.Джураев), Қурилиш бош бошқармаси (Б.Холматов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиги (Г.Расулов), Бинолардан фойдаланиш департаменти (М.Ирматов):

Турар ва нотурар-жой бинолари бузилишига тушган юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарар тури ва миқдорини қоплаш бўйича белгиланган тартибда тегишли комиссия хулосаси олинсин;

ҳудудда бузилишга тушган турар ва нотурар жой бинолари етказилган зарар тури ва миқдори юзасидан ваколатли комиссия хулосаси олинганидан сўнг, тасдиқланган Низомга мувофиқ, бузиш ишлари амалга оширилсин.

3. "MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамияти:

Захирага олинаётган ҳудуддаги турар ва нотурар-жой биноларни бузиш ва етказилган зарарларни ўрнатилган тартибда қоплаш ишлари Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 97-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилсин;

Давлат хизматлар агентлиги туман бўлимига архитектура режалаштириш топшириқларини тузиб чиқиш учун буюртма берилсин;

лойиҳалаш учун ер ости муҳандислик иншоотларининг ижро топосурати туширилган 1:500 нисбатдаги топографик харита ва геологик хулоса ишлаб чиқиш учун "Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти" Давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар филиалига буюртма берилсин;

шаҳарсозлик фаолияти объектини жойлаштириш учун ер участкасини захирага олиш далолатномаси расмийлаштирилсин ҳамда Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида рўйхатдан ўтказиш учун буюртма берилсин;

лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун лойиҳалаш ташкилоти билан ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини мутасадди ташкилотларга тақдим этилсин.

4. "MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамияти:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 августдаги ПФ-5511-сонли Фармонида ҳамда "MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамияти билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўртасида тузилган 1-сонли инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисидаги шартномасида кўрсатилган талаблар бажарилмаган тақдирда ер участкасини захиралаш инвесторга компенсация бермасдан ва зарарлар қопланмасдан бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилсин.

Scanned with CamScanner

5. Тошкент шаҳар хокимининг ўринбосари (Ш.Рахманов), Қурилиш бош бошкармаси (Б.Халматов), Ер ресурслари ва давлат кадастри бош бошкармаси (Г.Расулов):

"MEGA LOGISTICS SERVICE" масъулияти чекланган жамияти томонидан мазкур шартномада кўрсатилган талаблар бажарилгандан сўнг ўрнатилган тартибда ер майдони ажратиш ҳақидаги Тошкент шаҳар хокимининг карори лойиҳаси киритилиши таъминлансин.

6. Ушбу карорнинг бажарилишини назорат килиш Тошкент шаҳар хокимининг биринчи ўринбосари Д.Хидоятов ва Тошкент шаҳар хокимининг ўринбосари Ш.Рахманов зиммаларига юклатилсин.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMI MAHKAMASI * QAROR VA FARMOYISHLAR UCHUN

Тошкент шаҳар хокими Ж.Артикходжаев